

# **ҚУРИЛИШ МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА**

## **№336-2022-сонли ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**

Наманган шаҳри

19 октябрь 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Наманган минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона директори О.Назаров биринчи томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритиладиган "Янгикўргон ТЙФУК" номидан Низом асосида иш кўрувчи жамият директори Р.Зиёвиддинов, кейинги ўринларда «объект» деб юритиладиган, Янгикўргон тумани Бофистон МФЙ Хуррам кўчасининг 0.800 км.ни жорий таъмилаш (шағаллаш) ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

### **I. Шартнома мавзуси**

1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ «Объект»да ишларни бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га ишларни бажариш учун зарур бўлган шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **II. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

2.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ -172-сон қарори 2022 йил 15 октябрдаги №158979-сонли танлов баённомасига асосан «Пудратчи» томонидан объектда бажариладиган қурилиш монтаж ишлари юзасидан аниқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 54 777 494 (эллик тўрт миллион етти юз етмиш етти минг тўрт юз тўқсон тўрт) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартноманинг 2.1. бандида кўрсатиб ўтилган ишларнинг қиймати якуний деб ҳисобланади ва яна қайта кўриб чиқилмайди, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

– қурилиш қийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

– ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, мазкур шартномага киритиладиган ўзгартиришлар «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонларидан шартномага қўшимча келишув битими орқали расмийлаштирилади.

### **III. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари**

3.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» мазкур шартноманинг II бўлимida назарда тутилган ишларни бажариш учун:

– Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасига мувофиқ «Ишларни бажариш жадвали»да назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

– «Буюртмачи»ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

– Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

3.2. Ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.3. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

### **IV. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари**

Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

- 4.1. «Объект»да қурилиш-монтаж ишлари бўйича ишлаб чиқилиб тегишли равища тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатларини «Пудратчи»га тақдим қилиш;
- 4.2. Шартноманинг 1-иловаси “Ишларни бажариш жадвали”га асосан бажариладиган ишларни тўла ҳажмда бажарилиши ва сифати устидан доимий техник назоратини амалга ошириш;
- 4.3. Шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш,
- 4.4. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- 4.5. Шартноманинг 2-иловасида келтирилган “Молиялаштириш жадвали”га мувофиқ «Пудратчи»га аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- 4.6. «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатиб ўтилган хужжатларга мувофиқлигини текшириш;
- 4.7. «Пудратчи» томонидан лойиҳа-смета хужжатлари асосида олиб борилмаган, сифатсиз ҳамда тўла ҳажмда бажарилмаган ишларни ўзининг ҳисобидан қайтадан бажарилишини таъминлаш;
- 4.8. «Пудратчи»нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

## **V. Ишларни бажариш муддатлари**

- 5.1. «Пудратчи» мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
- 5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар “Ишларни бажариш жадвали”га мувофиқ амалга оширилади.

## **VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

- 6.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома бўйича 30 фоиз миқдорида аванс ўтказади, бу 16 433 248 (ўн олти миллион тўрт юз ўттиз уч минг икки юз қирқ саккиз) сўмни ташкил этади.
- 6.2. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-2-иловалар).
- 6.3. Жорий ойма-ой молиялаштириш амалда бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.
- 6.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи миқдоридаги тўлови, қурилиш ишлари тугалланиб, объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, мазкур шартномада қайд этилган кафолатли муддат ўтиб бўлгандан сўнг, «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоблар якуний натижаларидан келиб-чиқсан ҳолда ва шу билан бирга жорий молия йили тугамасдан амалга оширилади.

- 6.5. «Пудратчи»нинг ишончли вакили бажарилган ишларни молиялаштириш мақсадида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб вараги (Ф-3)ни нуқсонларсиз, ўрнатилган тартиб ва белгиланган муддатларда «Буюртмачи» томонидан тайилланган техник назоратчи иштироқида «Буюртмачи»нинг ҳисоб-китоб бўлимига тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш учун тақдим этади.

- 6.6. Томонларни ўзаро ҳисоб-китобларни узил-кесил ҳал этиш учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га бажарилган ишларни қабул қилиб олиш далолатномасини молия йили декабр ойининг 5 чи кунига қадар тақдим этиши шарт.

## **VII. Ишларни бажариш**

- 7.1. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

- 7.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукуқига эгадир.

- 7.3. «Пудратчи» техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равища қатнашади.

7.4. «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

7.6. «Пудратчи» ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

7.7. Агар беркитиладиган ишлар «Буюртмачи»нинг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.8. Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.9. «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7.10. «Пудратчи» сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни «Буюртмачи»га тўлайди.

### **VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, ёки шартноманинг бажариш муддати мобайнида янги конун хужжати кабул қилингандиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равиша узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидар.

8.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

9.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

9.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси «Буюртмачи» томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

9.3. «Пудратчи» қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Буюртмачи»га «Буюртмачи» томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. «Пудратчи» «Буюртмачи»га ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равиша тасдиқлаши керак.

9.4. «Пудратчи» объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича «Объект»га мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

## X. Кафолатлар

### 10.1. «Пудратчи»:

- барча ишлар түлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидага кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

10.2. «Объект»да бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган «Объект»ни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

10.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

10.4. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

10.5. Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда «Буюртмачи» мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини «Пудратчи»дан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

10.6. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши «Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. Шартномани бекор қилиш

### 11.1. «Буюртмачи»:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Пудратчи» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати «Пудратчи»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- «Пудратчи» томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

### 11.2. «Пудратчи»:

- ишларнинг бажарилиши «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, «Пудратчи» бу ҳақда қонун хужжатларидаги белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартирishлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганды «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда «Буюртмачи»га берилади, «Буюртмачи» бажарилган ишлар қийматини «Пудратчи»га тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома бекор қилинганды тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик [кодексида](#), «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Қонунида](#), бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3. «Пудратчи» объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

12.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» «Наманганд қурилиш таъмири экспертиза бюроси мутахассисининг холосасига мувофиқ» объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш ҳукуқига эга.

12.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинганды ҳаражатларда, мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.6. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилингандек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XIV. Алоҳида шартлар

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. «Пудратчи» қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

14.3. Шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши факат қонун хужжатларида курсатилган холатлар ва белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши мумкин.

14.4. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5. Агар «Пудратчи» шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи» қурилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

14.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

14.7. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Газначилик идораларидан рўйхатдан ўтказилган сўнг кучга киради.

14.8. Шартноманинг амал қилиш мuddати 2022 йил 31 декабргача деб белгиланади.

14.9. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

#### XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

##### «БЮОРТМАЧИ»

Наманган миңтақавий йўлларга  
буюртмачи хизмати ДУК

Манзил: Наманган шаҳри, Саноат кўча 19-үй

Тел./факс: (78) 223-02-30

Ш.Х.В: 304521860144017045129118374

ИНН: 304893929, ОКОНХ: 71120

Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги Газначилиги

х/р: 23 402 000 300 100 001 010

Банк: Марказий банк Тошкент ШББ. ХККМ

МФО: 00014, ИНН: 201122919

Директор  
М.Ү

О.Назаров

Хуқуқшунос

Р.Шамсутдинова



##### «ПУДРАТЧИ»

Янгиқўрғон туман йўллардан  
фойдаланиш унитар корхонаси

Манзил: Янгиқўрғон ш, А.Қўчқаров-19

Тел./факс: 0-369-632-14-77

х/р: 22 626 000 600 368 896 001

Банк: АТ Туронбанк Наманган филиали

МФО: 00446, ИНН: 200118130

ОКЭД: 42110 , ОКНХ: 61129

Директор  
М.Ү

Хуқуқшунос

Р.Зиёвиддинов

И.Вахобов



• 2022 йил 19 октябрдаги  
№336-2022-сонлы шартномага  
1-илова

Наманган вилояты Янгиқўрғон тумани Боғистон МФЙ Хуррам кўчасини жорий таъмирлаш ишларини

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

2022-йил учун курилиш киймати

Жами

№ Амалга ошириладиган ишлар	ойлар											
	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани											14
	Боғистон МФЙ Хуррам кўчасини											15
	жорий таъмирлаш											
	<b>Жами</b>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	<b>54 777 494</b>

Буортмачи

О.Назаров

Пулбетчи

Р.Зиёвиддинов



2022 йил 19 октябрдаги  
№336-2022-сонли шартномага  
2-илова

Наманган вилояти Янтиқүрғон тумани Бористон МФЙ Хуррам күчасини жорий таъмирилаш ишларини

### МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

2022-йил учун молиялаштириши графиги

№	Жами											
	оýлар											
	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Аванс 30%											15
2	Жорий молиялаштириши (берилган аванс хисобга олган холда бажарылган ишлар түррисидаги хисоб бараги (Ф-3) мискордла)											16 433 248
3	5% кафолат маблағ											35 605 371
	Жами	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	54 777 494
												54 777 494

Буюргмачи

О.Назаров

Пудратчи

Р.Зиёвидинов

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

19.10.2022 йил

Наманган шаҳри

Наманган вилояти худудидаги Наманган минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК томонидан 15.10.2022 йилдаги 158979-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган вилояти Янгиқўргон тумани Бофистон МФЙ Хуррам кўчасини жорий таъмирлаш ишлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61-моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари яқуни бўйича “ЯНГИҚЎРГОН ТЙФУК” томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмади. Юкоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Наманган Минтақавий йўлларга**

**буюртмачи хизмати ДУК директори:**  **О.Назаров**

**Корхона бош хисобчиси**

 **А.Тожибаев**



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 158979 на приобретение Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Бофистон МФЙ Хуррам кўчасини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 15.10.2022

Время рассмотрения 15.10.2022 10:09

Закупочная комиссия Наманган минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	Назаров Одилжон Олимжанович	директор	Наманган МИБХ ДУК
<b>Секретарь комиссии</b>	YUSUPOV SHUXRAT XAKIMJONOVICH	специалист по договору	Наманган минтакавий йулларга буюртмачи хизмати ДУК
<b>Член комиссии</b>	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиб қўмитасининг Наманган вилояти худудий бошкармаси ходими	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиб қўмитаси
<b>Член комиссии</b>	Тожибаев Акмалжон Алишерович	бош ҳисобчи	Наманган МИБХ ДУК
<b>Член комиссии</b>	Инамов Илхомхўджа Исломхўжаевич	бўлим бошлиғи	Наманган МИБХ ДУК
<b>Член комиссии</b>	Хакимбаев Ойбек Орифович	бўлим бошлиғи	Наманган МИБХ ДУК
<b>Член комиссии</b>	Боёзов Дилшод Адхамжонович	бўлим бошлиғи	Наманган МИБХ ДУК
<b>Член комиссии</b>	Ахмедов Нозим Носирович	бош муҳандис	Наманган МИБХ ДУК

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объятиению на специальном информационном портале от 15.10.2022 года № лота 158979.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Янгиқўрғон тумани Бофистон МФЙ Хуррам кўчасини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	56 471 644.00
Стартовая сумма	56 471 644.00

Валюта UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

**Критерий №1 Форма-4**

Тип: Текстовое значение

Описание: Финансовое положение участника конкурса

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ДУСТЛИК МЧЖ</b>	27	молявий холати хакида маълумот тақдим этилмоккда	0	Экспертная	Дисквалифицирован	не предоставил подтверждающие документы
<b>УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN</b>	27	ф-4	27	Экспертная		
<b>ЯНГИКУРГОН ТИФУК</b>	27	54777494.68	27	Экспертная		
<b>ООО TOWARDS HIGH</b>	27	54500000	27	Экспертная		
<b>УП NAMANGAN YO'L QURISH-TA'MI</b>	27	27	27	Экспертная		
<b>ЭЛДОР М.Ч.Ж.</b>	27	Финансовое положение участника конкурса	27	Экспертная		

**Критерий №2 Форма-1**

Тип: Текстовое значение

Описание: Декларация

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ДУСТЛИК МЧЖ</b>	5	кафолат хати	5	Экспертная		
<b>УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN</b>	5	ф-1	5	Экспертная		
<b>ЯНГИКУРГОН ТИФУК</b>	5	54777494.62	5	Экспертная		
<b>ООО TOWARDS HIGH</b>	5	54500000	5	Экспертная		
<b>УП NAMANGAN YO'L QURISH-</b>	5	5	0	Экспертная	Дисквалифицирован	не

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ТА`МИ						представил форму
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	5	Декларация	5	Экспертная		

#### Критерий №3 Форма-7

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация по контрактам (объектам)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСТЛИК МЧЖ	2	есть	2	Экспертная		
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	2	Ф-7	2	Экспертная		
ЯНГИКУРГОН ТЙФУК	2	54777494.62	2	Экспертная		
ООО TOWARDS HIGH	2	54500000	2	Экспертная		
УП NAMANGAN YO'L QURISH-TA`MI	2	2	2	Экспертная		
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	2	Информация по контрактам (объектам)	2	Экспертная		

#### Критерий №4 Форма-3

Тип: Текстовое значение

Описание: Общая информация об участнике конкурса

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСТЛИК МЧЖ	25	маълумот юборилмоқда	0	Экспертная	Дисквалифицирован	не предоставил подтверждающие документы
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	25	Ф-3	15	Экспертная		
ЯНГИКУРГОН ТЙФУК	25	54777494.62	25	Экспертная		
ООО TOWARDS HIGH	25	54500000	0	Экспертная	Дисквалифицирован	не предоставил подтверждающие документы
УП NAMANGAN YO'L QURISH-TA`MI	25	25	0	Экспертная	Дисквалифицирован	не представил подтверждающие документы

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	25	Общая информация об участнике конкурса	8	Экспертная		

Критерий №5 Форма-5

Тип: Текстовое значение

Описание: Опыт работы участника конкурса за последние три года

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСТЛИК МЧЖ	23	бажарилган ишлар тугрисида маълумот иловада юборилмоқда	0	Экспертная	Дисквалифицирован	не предоставил подтверждающие документы
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	23	ф-5	23	Экспертная		
ЯНГИКУРГОН ТИФУК	23	54777494.62	23	Экспертная		
ООО TOWARDS HIGH	23	54500000	10	Экспертная		
УП NAMANGAN YO'L QURISH-TA'MI	23	23	15	Экспертная		
ЭЛДОР М.Ч.Ж.	23	Опыт работы участника конкурса за последние три года	15	Экспертная		

Критерий №6 Форма-6

Тип: Текстовое значение

Описание: Перечень машин и механизмов

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСТЛИК МЧЖ	14	Машина ва механизмлар рўйхати иловада	0	Экспертная	Дисквалифицирован	не предоставил подтверждающие документы
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	14	ф-6	4	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ЯНГИКУРГОН ТИЙФУК</b>	14	54777494.62	4	Экспертная		
<b>ООО TOWARDS HIGH</b>	14	54500000	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
<b>УП NAMANGAN YO'L QURISH-TA'MI</b>	14	14	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
<b>ЭЛДОР М.Ч.Ж.</b>	14	Перечень машин и механизмов	4	Экспертная		

Критерий №7 Форма-2

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация по неисполненным подрядным договорам

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ДУСТЛИК МЧЖ</b>	3	есть	3	Экспертная		
<b>УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN</b>	3	ф-2	3	Экспертная		
<b>ЯНГИКУРГОН ТИЙФУК</b>	3	54777494.68	3	Экспертная		
<b>ООО TOWARDS HIGH</b>	3	54500000	3	Экспертная		
<b>УП NAMANGAN YO'L QURISH-TA'MI</b>	3	3	3	Экспертная		
<b>ЭЛДОР М.Ч.Ж.</b>	3	Информация по неисполненным подрядным договорам	3	Экспертная		

Критерий №8 Форма-8

Тип: Текстовое значение

Описание: Свидетельство осмотра стройплощадки

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ДУСТЛИК МЧЖ</b>	1	майдон урганлган	1	Экспертная		
<b>УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN</b>	1	ф-8	1	Экспертная		
<b>ЯНГИКУРГОН ТИЙФУК</b>	1	54777494.68	1	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО TOWARDS HIGH</b>	1	54500000	1	Экспертная		
<b>УП NAMANGAN YO'L QURISH-TA'MI</b>	1	1	1	Экспертная		
<b>ЭЛДОР М.Ч.Ж.</b>	1	Свидетельство осмотра стройплощадки	1	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN</b>	56 471 644.00	55 891 718.00 UZS	55 891 718.00	00.00	55 891 718.00	08.10.2022 11:13:47	9.80065
<b>ЯНГИКУРГОН ТИФУК</b>	56 471 644.00	54 777 494.68 UZS	54 777 494.68	00.00	54 777 494.68	08.10.2022 11:42:24	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО TOWARDS HIGH</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>ДУСТЛИК МЧЖ</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN</b>	72	9.80065	81.80065
<b>ЭЛДОР М.Ч.Ж.</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>УП NAMANGAN YO'L QURISH-TA'MI</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>ЯНГИКУРГОН ТИФУК</b>	81	10	91

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 158979 от 15.10.2022 года на приобретение Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Боғистон МФЙ Хуррам кўчасини жорий таъмирлаш определила победителем:

**ЯНГИКУРГОН ТИФУК**  
200118130

и резервный исполнитель: УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN (200082313)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	Назаров Одилжон Олимжанович	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	

<b>Член комиссии</b>	Тожибаев Акмалжон Алишерович	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Инамов Илхомхўджа Исломхўжаевич	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Хакимбаев Ойбек Орифович	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Ахмедов Нозим Носирович	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Боёзов Дилшод Адхамжонович	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Намангандылык  
Үрнабосары

**"ТАСДИКЛАЙМАН"**

Тр.	Область/район/село/поселок	Код объекта	Наименование объекта	Площадь земельного участка (га)*	Продолжение				Адрес физлица/юридич. лица	Год открытия		
					Штрафы		Наказания					
					Код налога	Наименование налога	Код наказания	Наименование наказания				
17	Букетор Мой Устар күнделік	2022 800	1,374	1 068,440	1 068,440	1 068,440	1 068,440	1 068,440	0,000	0,000		
18	Букетор Мой Жыланым күнделік	2022 800	0,475	375,112	375,112	375,112	375,112	375,112	0,000	0,000		
19	Букетор Мой Сарор күнделік	2022 800	0,433	372,569	372,569	372,569	372,569	372,569	0,000	0,000		
20	Бергейд Мой жеке өзбекстан	2022 800	1,055	546,344	546,344	546,344	546,344	546,344	0,000	0,000		
21	Букетор Мой Самол құнделік	2022 800	1,430	1 073,76	1 073,76	1 073,76	1 073,76	1 073,76	0,000	0,000		
22	Мини-шоп Мой Айранек	2022 800	0,150	83,687	83,687	83,687	83,687	83,687	0,000	0,000		
23	Үршатын Мой Балықханам	2022 800	0,700	89,672	89,672	89,672	89,672	89,672	0,000	0,000		
24	Үршатын Мой Балықханам	2022 800	0,350	44,836	44,836	44,836	44,836	44,836	0,000	0,000		
25	Үршатын Мой Тұрғындар	2022 800	0,500	64,051	64,051	64,051	64,051	64,051	0,000	0,000		
26	Үршатын Мой Галерея	2022 800	0,415	3,304	3,304	3,304	3,304	3,304	0,000	0,000		
27	Үршатын Мой Өмірбек	2022 800	0,290	121,958	121,958	121,958	121,958	121,958	0,000	0,000		
28	Үршатын Мой Галерея	2022 800	1,150	172,645	172,645	172,645	172,645	172,645	0,000	0,000		
29	Үршатын Мой Әмбебап	2022 800	1,200	153,451	153,451	153,451	153,451	153,451	0,000	0,000		
30	Үршатын Мой Ғимназия	2022 800	429,55	415,909	415,909	415,909	415,909	415,909	0,000	0,000		
31	Үршатын Мой Касир	2022 800	2,090	18,509	18,509	18,509	18,509	18,509	0,000	0,000		
32	Үршатын Мой Такси	2022 800	1,380	415,909	415,909	415,909	415,909	415,909	0,000	0,000		
33	Үршатын Мой Пәннә	2022 800	0,990	115,164	115,164	115,164	115,164	115,164	0,000	0,000		
34	Үршатын Мой Себер Галерея	2022 800	0,280	138,578	138,578	138,578	138,578	138,578	0,000	0,000		
35	Үршатын Мой Үйлер	2022 800	1,106	140,754	140,754	140,754	140,754	140,754	0,000	0,000		
36	Үршатын Мой Нұрсауле	2022 800	1,370	71,78	71,78	71,78	71,78	71,78	0,000	0,000		
37	Еңбекшіл Құнделік	2022 800	0,380	105,743	105,743	105,743	105,743	105,743	0,000	0,000		
				4,700	4,700	4,700	4,700	4,700	4,700	4,700		











№	Түр	Объекттар таралып жүргөн	Күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады	Маңыздың күзгіліктерінен турады	Шығармалар							Ассоциацияның тұрақтылығы	
					Күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады	Күзгіліктерінен турады							
149	II	Приоритет Модбі көзінекі 87-ші	2022 Іюн	0,290	228,151	228,151	228,151	228,151	228,151	217,634	10,517	7,617	0,000
150	III	Модбі Еншінекі 43-ші 1013М	2022 Іюн	0,409	295,950	295,950	295,950	295,950	295,950	281,304	0,409	281,304	0,000
151	X	Хабаршы Модбі Үйлердер 87-ші	2022 Іюн	0,800	3,383	3,383	3,383	3,383	3,383	3,383	1,383	2,204	0,800
152	C	Соңғы Модбі Нурдаир 87-ші	2022 Іюн	0,800	66,039	66,039	66,039	66,039	66,039	62,977	0,800	62,977	0,000
153	H	Нұржан Модбі Оңтүстік 87-ші	2022 Іюн	0,800	34,057	34,057	34,057	34,057	34,057	32,146	0,800	32,146	0,000
154	E	Барынғаным Модбі 13-ші	2022 Іюн	0,800	64,407	64,407	64,407	64,407	64,407	61,690	0,800	61,690	0,000
155	O	Оңтүстік Модбі Оңтүстік 87-ші	2022 Іюн	1,800	109,117	109,117	109,117	109,117	109,117	103,301	1,911	1,125	0,500
156	Y	Үйлердер Модбі Еншінекі 87-ші	2022 Іюн	1,000	75,799	75,799	75,799	75,799	75,799	71,883	1,000	71,883	0,000
157	A	Акесеңбек Модбі Еншінекі 87-ші	2022 Іюн	1,040	81,198	81,198	81,198	81,198	81,198	77,293	1,040	77,293	0,000
158	N	Намысқын Модбі Еншінекі 87-ші	2022 Іюн	2,800	255,945	255,945	255,945	255,945	255,945	242,459	2,800	242,459	0,000
159	G	Гүмін Модбі Ісаев 87-ші	2022 Іюн	1,000	71,626	71,626	71,626	71,626	71,626	67,851	1,000	67,851	0,000
160	K	Коркем Азаттар Сәуле Модбі 87-ші	2022 Іюн	0,500	208,326	208,326	208,326	208,326	208,326	198,993	0,500	198,993	0,000
161	B	Борисбек Модбі Канатек 87-ші	2022 Іюн	1,600	4,161	4,161	4,161	4,161	4,161	4,161	2,704	4,161	2,704
162	C	Көн Көрнекі Модбі Нұсқандағы 87-ші	2022 Іюн	0,640	48,742	48,742	48,742	48,742	48,742	46,366	0,640	46,366	0,000
163	M	Мерекеттегі Модбі Нұсқандағы 87-ші	2022 Іюн	1,500	98,866	98,866	98,866	98,866	98,866	92,431	1,500	92,431	0,000
164	S	Зиярет Модбі Қызынекі 87-ші	2022 Іюн	1,000	56,313	56,313	56,313	56,313	56,313	50,845	1,000	50,845	0,000
165	Z	Данияр Модбі Манас 87-ші	2022 Іюн	1,500	103,476	103,476	103,476	103,476	103,476	98,431	1,500	98,431	0,000
166	D	Деконюкова Модбі Орындардағы 87-ші	2022 Іюн	1,002	85,784	85,784	85,784	85,784	85,784	81,317	1,002	81,317	0,000
167	F	Жакшыл Модбі Еншінекі 87-ші	2022 Іюн	1,020	96,511	96,511	96,511	96,511	96,511	92,587	1,022	92,587	0,000
168	I	Юлдаш Абділғұл Еншінекі 87-ші	2022 Іюн	1,003	11,086	11,086	11,086	11,086	11,086	10,716	1,003	10,716	0,000
169	J	Иннағайт Модбі Еншінекі 87-ші	2022 Іюн	1,072	97,428	97,428	97,428	97,428	97,428	92,587	1,072	92,587	0,000
170	K	Темиржан Модбі Еншінекі 87-ші	2022 Іюн	1,095	5,370	5,370	5,370	5,370	5,370	4,167	1,095	4,167	0,000
171	L	Нұржанда Модбі Еншінекі 87-ші	2022 Іюн	0,620	3,173	3,173	3,173	3,173	3,173	2,094	0,620	2,094	0,000
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлерінен турады													
01.01.22 Іюн холатында күршилдиң инциденттеги үйдең түрлер													



